

143 дарс Дунёнинг нури Юҳанно 8-9 боблар.

Ассалому алайкум қадрдон тингловчи дўстларим. Бутун борлиқни яратган Худо инсонлар Унинг йўлга қўйган солиҳлик йўлини тушуниб етишини, Унга итоат қилишини ва то абад У билан ҳақиқий тинчликка эришини истайди. Биз сизлар билан яна Солиҳлик Йўли дарслари орқали учрашганимиздан жуда хурсандмиз..

Ўтган дастуримизда биз фарзийлар, уламолар ҳамда яҳудий мансабдорлари Исога қарши чиқиб, Уни ўлдирмоқчи бўлгани ҳақида ўрганган эдик. Лекин ҳеч ким Унга қўл кўтара олмади, чунки Унинг вақт-соати келмаган эди. Бугун биз Исо Унга қарши чиққанларни қандай фош қилгани ва туғма кўр бўлган кишини қандай шифолагани ҳақида ўрганамиз. Бугунги дарсимиз «Дунёнинг нури» деб аталади.

Хушхабарнинг Юҳанно китобининг саккизинчи бобида шундай ёзилган:

«Эрталаб Исо яна маъбадга қайтиб келди. Бутун халқ Унинг олдига келар, У эса одамларга таълим бериб ўтирар эди... Исо яна халққа ҳитоб қилди: - Мен оламнинг нуриман. Кимки Менга эргашса, зулматда юрмайди, балки ҳаёт нурига эга бўлади. Исонинг шу сўзига қарши фарзийлар: - Сен ўзингга ўзинг шохидлик беряпсан. Сенинг шохидлигинг ҳақиқат эмас, - дейишди. Исо шундай жавоб берди: - Мен ўзимга ўзим шохидлик берсам ҳам, тўғри шохидлик бераман. Чунки Мен қаердан келиб, қаерга кетаётганини биламан. Сизлар эса Менинг қаердан келиб, қаерга кетаётганимни билмайсизлар... Сизлар пастдансиз, Мен эса юқориданман. Сизлар бу оламдан, Мен эса бу оламдан эмасман. Сиз гуноҳкор бўлиб ўласизлар, деб айтган эдим-ку сизларга. ҳа, агар ўша Мен эканлигимга ишонмасангизлар, гуноҳкор бўлиб ўласизлар. - Сен кимсан? - деб сўрашди шу маҳал Исодан. Исо шундай деди: - Инсон ўғлини юқорига кўтарганингизда, ўша Мен эканлигимни билиб қоласизлар. ўшанда сизлар Мен ўзимчалик ҳеч нарса қилмаслигимни, аксинча, Отам Менга қандай ўргатган бўлса, шундай сўзлаётганимни биласизлар... Сизлар ҳақиқатни билиб оласизлар, ҳақиқат эса сизларни озод қилади».

«Биз Иброҳим наслиданмиз, - деб жавоб берди улар. - ҳеч қачон ҳеч кимга қўл бўлмаганмиз. Сен қандай қилиб, "озод бўласизлар", деяпсан? - Сизларга ростини айтсам, - деди Исо, - гуноҳ қилувчи ҳар бир киши гуноҳнинг қулидир. Ҳул уйда умрбод турмайди, ўғил умрбод туради. Шундай қилиб, агар ўғил сизларни озод қилса, ҳақиқатан озод бўласизлар. Иброҳимнинг насли эканлигини биламан. Бироқ Менинг жонимга қасд қилмоқчисизлар. Чунки Менинг сўзим қалбингизга ўрнашмайди. Мен Отанинг ҳузурида нима кўрган бўлсам, ўшани сўзлаб бераман. Сизлар эса ўз отангиз ҳузурида кўрганларингизни бажарасизлар.

Улар Исога жавобан: - Бизнинг отамиз Иброҳим-ку, - дейишди. - Агар сиз Иброҳимнинг фарзандлари бўлсангиз эди, Иброҳимнинг қилган ишларини қилар эдингизлар, - деди Исо. - Энди бўлса, Худодан эшитган ҳақиқатни сизларга сўзлаб бераётган Одамни - Мени ўлдирмоқчисизлар. Иброҳим бундай йўл тутмаган бўлар эди. Сизлар ўз отангизнинг ишларини қияпсизлар.

- Бизлар фаҳшдан туғилган эмасмиз-ку, бизнинг битта Отамиз бор, У Худодир, - деб жавоб беришди Исога. У уларга шундай деди: - Агар Отангиз Худо бўлганида эди, Мени севар эдингиз, чунки Мен Худодан чиқдим. Мен ўзимча келганим йўқ, Мени У юборди. Нега айтганларимни англамаяпсизлар? Сабаб, Менинг сўзларимни эшита олмайсизлар.

Сизларнинг отангиз - иблисдир. Сизлар ўз отангизнинг нафсу эҳтиросларини бажо келтирмоқчисизлар. Азалданоқ иблис қотил эди. У ҳақиқат томонида турмаган, чунки унда ҳақиқат йўқ. У ёлғон сўзлаганида, ўзига яраша сўзлайди. Чунки у ёлғончи, ёлғоннинг отасидир. Аммо Мен ҳақиқатни сўзлаётганим учун, Менга ишонмаяпсизлар. ¾айси бирингиз Мени бирон гуноҳ билан айблай оласиз? Агар ҳақиқатни сўзлаётган бўлсам, нега Менга ишонмаяпсизлар? Ким Худоники бўлса, Худонинг сўзларини эшитади. Сизлар эса Худога бегона бўлганингиз учун эшитмаётирсиз.

Бунга жавобан яҳудийлар: - Сен самарияликсану, Сени жин урибди, деб ҳато қилмабмиз! - дейишди. - Мени жин ургани йўқ, - деди Исо. - Мен фақат Отамни ҳурмат қиламан. Сизлар эса Мени бадном қияпсизлар. Мен ўз шуҳратимни изламайман, Мени улуғловчи ва ҳукмловчи бор. Сизларга ростини айтайин: ким Менинг сўзимга риоя қилса, абадий ўлимга юз тутмайди.

- Энди биз биламиз, Сени жин урибди, - дейишди яҳудийлар Унга. - Иброҳим ва пайғамбарлар бари ўлиб кетган, Сен эса: ким Менинг сўзимга риоя қилса, абадий ўлимга юз тутмайди, деяпсан-а!? Наҳотки Сен вафот этган отамиз Иброҳимдан ҳам катта бўлсанг? Пайғамбарларнинг ҳаммаси ҳам ўлиб кетишган. Сен ўзингни ким деб ҳисоблайсан? Исо уларга жавоб берди: - Агар Мен ўзимни ўзим улуғласам, Менинг улуғлигим пучдир. Отамнинг ўзи Мени улуғлайди. Сизлар Уни Худойимиз дейсизлар, аммо аслида Уни таниганингиз йўқ. Мен эса Уни таниб-биламан. Агар Уни билмайман, десам, сизларга ўхшаган ёлғончи бўламан. Бироқ Мен Уни таниб биламан ва Унинг каломига риоя қиламан. Отангиз Иброҳим Менинг кунимни кўришини билиб, шод-хуррам бўлган эди. Энди кўриб, хуррам бўлди.

- Сен ҳали эллик ёшга тўлганинг йўғу, Иброҳимни ҳам кўрибсан-а?! - дейишди яҳудийлар Унга. Исо уларга: - Сизларга ростини айтай: Иброҳим вужудга келмасидан олдин Мен бор эдим, - деди.

Шунда Исога тош отиш учун тош олдилар. Лекин Исо улардан чекиниб, маъбаддан ташқарига чиқди. Халқнинг ўртасидан ёриб ўтиб, узоқлашиб кетди».

«Исо ўтиб кетаётганида, Унинг кўзига бир туғма кўр одам чалинди. Шогирдлари Исодан: - Устоз, бунинг кўр бўлиб туғилишида ким гуноҳкор, ўзими ёки ота-онасими? - деб сўрашди. Исо шундай жавоб берди: - Бунда на ўзи гуноҳкор, на ота-онаси, балки Худонинг ишлари унда намоён бўлиши учун у кўр туғилган. Кун ёруғ экан, Мени Юборгани ишларини қилишим лозим. Ана тун келяпти, ўшанда ҳеч ким иш қила олмайди. Мен оламда бор эканман, оламнинг нуридирман.

Исо буларни айтди-ю, ерга тупурди, тупукдан лой қилиб, кўрнинг кўзига суртди. - Бориб Силоам ҳовузида ювин, - деди унга. Силоам - «Юборилган» демакдир. Кўр одам бориб ювинди ва кўзи очилиб қайтди. Шунда унинг қўшнилари ва илгари унинг кўр бўлиб ўтирганини кўрган одамлар: - Бу ҳалиги тиланчилик қилиб ўтирган кўр одам эмасми? - деб сўрашарди. Баъзилар: - Бу ҳудди ўша, - десалар, бошқалар: -ўшанга ўхшайди, - дейишарди. Одамнинг ўзи эса: - ўша менман, - деб таъкидларди.

- Ундай бўлса, кўзларинг қандай очилди? - деб сўрадилар. - Исо деган киши тупукдан лой қилиб, кўзларимга суртди-ю, бориб Силоам ҳовузида ювин, деб айтди. Мен бориб ювиндим ва кўрадиган бўлиб қолдим, - деди у одам.

- У қаерда? - деб сўрадилар.

- Билмайман, - деб жавоб берди у.

Илгари кўр бўлган ўша одамни фарзийларни олдига келтиришди. ўша куни яҳудийларни дам олиш куни эди. Бунга қарамай, Исо лой қилиб, кўр одамнинг кўзларини очган эди.

Илгари кўр бўлган ўша одамни фарзийларни олдига келтиришди. ўша куни яҳудийларни дам олиш куни эди. Бунга қарамай, Исо лой қилиб, кўр одамнинг кўзларини очган эди. Бинобарин, фарзийлар ҳам кўрдан кўзлари қандай очилганини сўрадилар.

- У кўзларимга лой суртди. Мен ювиндим-у, кўзларим кўрадиган бўлди, - деди ҳалиги одам.

- Бу Одам Худодан эмас, чунки У дам олиш кунига риоя қилмаяпти, - деди баъзи фарзийлар. Бошқалари эса: - Гуноҳкор одам бундай мўъжизаларни қандай қила олади? - дейишди. Шундай қилиб, ораларида нифоқ пайдо бўлди.

- Кўзларингни очган У Киши ҳақида нима дейсан? - деб сўрашди яна кўр одамдан.

- У пайғамбар, - деди ўша.

Бироқ яҳудий дин арбоблари кўзлари очилган одамнинг ота-онасини чақритирмагунча, унинг илгари кўр бўлганига ва кўзлари очилганига ишонмадилар. Ота-онаси келди.

- Кўр туғилган, деб айтган ўғлингиз шуми? ҳўш, энди қандай қилиб унинг кўзлари кўряпти? - деб сўрашди ота-онасидан.

- Бу бизнинг ўғлимиз, унинг кўр туғилганини биламиз. Лекин қандай қилиб кўзлари кўраётганини, кўзларини ким очганини биз билмаймиз. У балоғат ёшида, ўзидан сўранглар. ўзи учун ўзи жавоб берсин.

Кўрнинг ота-онаси яҳудий дин арбобларидан қўрққаналари учун бундай айтдилар. Дин арбоблари бундан аввал, ким Исонинг Масиҳлигини тан олса, ибодатхонадан бадарға қилинсин, деб фатво чиқарган эдилар. Ана шу сабабдан кўрнинг ота-онаси: У балоғат ёшида, ўзидан сўранглар, - дейишди.

Шундай қилиб, илгари кўр бўлган одамни иккинчи марта чақиришди:

- Худони улуғла! Биз бу Одамнинг гуноҳкорлигини биламиз, - дейишди.

- У гуноҳкорми, йўқми, мен билмайман, - деб жавоб берди у. - Мен шуни биламанки, мен кўр эдим, энди эса кўзларим кўряпти.

- У сенга нима қилди? Кўзларингни қандай очди? - деб сўрашди яна.

- Олдин ҳам мен сизларга айтган эдим-ку, аммо сизлар қулоқ солмаяпсизлар. Яна нима хоҳлайсизлар? Наҳотки сизлар ҳам Унинг шогирдлари бўлмоқчисизлар? - деди у одам. Яҳудий дин арбоблари уни жеркиб: - Сен Унинг шогирди, биз Мусонинг шогирдларимиз. Биз биламизки, Мусога Худо гапирган. Бу Киши-чи, Унинг қаерданлигини ҳам билмаймиз, - дейишди.

- Ана шуниси ажабланарли-да! - деди кўр одам. - Сизлар Унинг қаерданлигини ҳам билмайсизлар, аммо кўзларимни очган ана Шунинг ўзи. Маълумки, гуноҳкорларга Худо қулоқ солмайди. Бироқ ким Худодан қўрқиб, Унинг иродасига амал қилса, Худо уни тинглайди. Туғма кўрнинг кўзларини биров очганлиги дунёда эшитилмаган гап. Агар У Киши Худодан бўлмаганида, ҳеч нарса қилолмасди.

Яҳудий дин арбоблари бунга жавобан:

- Сен ўзинг бутунлай гуноҳ ичида туғилган экансан-у, бизларга ақл ўргатяпсанми? - дейиди-да, уни қувиб чиқаришди.

У одамнинг қувиб чиқарилганини Исо эшитди-ю, уни аҳтариб топди. - Сен Худонинг ўғлига ишонасанми? - деб сўради ундан. У одам Исога: - ҳазрат, - деди, - У кимдирки, мен Унга ишонсам? - Сен Уни кўрдинг, мана сен билан гаплашаётган ўшанинг ўзи, - деди Исо. Шунда у одам: - Ишонаман, ё Раббий, - деди-да, Исога сажда қилди. Исо: - Кўрлар кўрсин, кўзи очиқлар кўр бўлсин, деб Мен бу дунёни ҳукм қилгани келганман, - деди.

Унинг атрофида баъзи фарзийлар турган эди. Улар бу гапни эшитгач: - Наҳотки бизлар ҳам кўр бўлсак? - деб сўрашди. Исо уларга деди: - Агар кўр бўлмаганингизда, гуноҳингиз бўлмас эди. Лекин сизлар «Кўзларимиз кўряпти», деганингиз учун, гуноҳингиз ўз бўйингизда қолади».

Шундай қилиб, ҳазрати Исо туғма кўр бўлган кишини кўзларини очди ва рухан кўр бўлган фарзийларни фош қилди. Диний уламоларнинг рухан кўрлиги жисмоний кўрлигидан ҳам ёмондир. Улар кўра оладилар, лекин кўришни истамадилар, шунинг учун Исони тошбўрон қилиш учун тош олдилар. Бу диндор кишилар Исо ҳақидаги ҳақиқатни эшитмаслик учун қулоқларини ҳам беркитиб олганлар. Уларнинг Исонинг Масиҳлигига ҳамда дунёнинг Нури эканига ишонишни истамадилар. Унинг Иброҳим пайғамбардан аввал ҳам мавжуд бўлганига ишонишмади. У азалдоноқ Худо билан бирга бўлган Калом эди. Улар ҳақиқатни кўришни исташмади.

Бугунги дарсимизда биз икки тоифадаги кўр одамлар ҳақида ўргандик: Кўзлари кўр бўлган кишилар ҳамда қалблари кўр бўлган кишилар. Ҳалби кўрликнинг зулмати кўзи кўрликнинг зулматидан ҳам баттардир. Агар кишининг кўзлари кўр бўлса, дунёдаги нарсаларни кўра олмайди, лекин агар кишининг қалби кўр бўлса, у боқий нарсаларни кўролмайди.

Худонинг Каломи ўргатадики, Одам Атонинг барча фарзандлари ҳам жисмонан ҳам рухан кўр бўлиб туғилган. Одам Атонинг гуноҳи туфайли бизларнинг ҳаммамиз гуноҳнинг зулатида туғилганмиз. Худони билмаймиз ҳамда Унинг ҳақиқатини ўрганишни хоҳламаймиз. Нур порлаганда учиб кетадиган кўршапалакка ўхшаб, Худо Каломи нурини бекор қиламиз ва зулатда яшашни афзал кўрамыз. Афсуски, Одам Атонинг кўпгина авлодлари гуноҳнинг зулматида ўлиб кетишди. Ешуа пайғамбар бундай деган эди: «Худованднинг сўзларини тингланг... Менинг халқим билим олишдан бош тортди. Сизлар Мен ҳақида ўрганишни рад қилганларингиз учун Мен ҳам сизларни рад қиламан».

Хушхабар шуки, Худо бизларнинг ҳеч биримизни гуноҳнинг зулматида ҳалок бўлмаслигимизни хоҳлайди. Шунинг учун У Раббий Исо Масиҳни ер юзига юбориш орқали бизнинг орамизга келди. Пайғамбар Зикирё ҳам ҳазрати Исо ҳақида шундай деган: «Зулматда, ўлим соясида ўтирганларга зиё сочсин, оёқларимизни эса тинчлик йўлига бурсин», деб Худо бизга «Нур сочувчи Ҳуёш» дерди. Пайғамбарлар тунда нур сочадиган юлдузларга ўхшайди, лекин ҳазрати Исо эса нур сочувчи Ҳуёшга, нурга, ва Унга ишонганларга ҳаёт берувчи ҳаёт Соҳибидир. Худо ер юзига нур сочиб туриши учун нечта Ҳуёш яратган? Фақат битта. Инсониятни гуноҳнинг ҳукмидан ҳамда дўзахдан ҳалос қилиш учун Худо осмондан нечта Нажоткор юборган? Фақат битта. Лекин Одам Атонинг кўпгина авлодлари буни тушунишмайди, шунинг учун ҳам улар ҳанузгача гуноҳнинг зулматида юришади. Мана, Каломда Исо Масиҳ ҳақида нима дейилган: «Зулматда нур порлайди, зулмат эса нурни қоплай олмайди. У дунёда бор эди, дунё У орқали бор бўлган эди, бироқ дунё Уни танимади».

Азиз тинчловчилар, ҳазрати Исо сизнинг онгигиз ҳамда қалбингизни очдими? Ёки ҳалигача гуноҳнинг зулматида юрибсизми?

Эътиборингиз учун раҳмат. Худо хоҳласа кейинги дарсимизда Худонинг улуғворлиги Исо Масиҳни қандай порлатгани ҳақида гаплашамиз.

Исо Масиҳнинг қуйидаги сўзларини чуқур мулоҳаза қилишингизда Худо сизга ёр бўлсин:

«Мен оламнинг нуриман. Кимки Менга эргашса, зулматда юрмайди, балки ҳаёт нурига эга бўлади» (Юҳанно 8:12)

Азиз тингловчилар, бугунги дастуримизни шу ерда тамомлаймиз. Бизни эшитиб бораётганингиздан миннатдормиз. Сизга озгина бўлса ҳам руҳий озиқа бера олганимиздан хурсандмиз. Хайр, соғ-саломат бўлинг.

Агар сизда бирор савол, таклиф, истак бўлса бизларга мактуб ёзинг. Биз уларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз. Яна сизда Муқаддас Китобга эга бўлиш истаги пайдо бўлса, унда ҳам бизга мактуб йўлланг, биз сизга бекорга уни юборамиз. Бизнинг манзилимиз: Ҳозоғистон, Алмати шаҳри, Абонент қутиси 366. Индекс: 480091. Яна эфирда учрашгунча хайр.